

Ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишда асосий омиллардан бири бу ерни сифатли тайёрлашдир. Ғўза пишиш даврига келиб кўплаб майдонлар зарари ҳисобига эрозия жараёнлари қатор ораларида турли хил нотекисликларга олиб келади ва бу ерларда ғалла экиш олдидан қатор ораларини текислаш бунда бўзгича ишлов бериш учун культиваторлар ёрдамида 15-20 см гача юмшатиш зарур, айниқса бу ишлар механик таркибда тупроқларда ва бегона ўтлар билан кучли ва ўрта даражада зарарланган майдонларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ғалла экишга ажратилган майдонлар бегона ўтларга, яъни кўп йиллик ўтларга Раундап, ёки уни аналоглари Дафосат (Навоийда ишлаб қилинган) гербицидлари билан бегона ўтлар турига ва зарарлаш даражасига қараб 4-6 кг гектарига экишдан 20-30 кун илгари, яъни бегона ўтлар кўкариб турган ҳолда сепиш тавсия этилади, чунки бу гербицид барглари орқали илдизни қуритади.

Тўлиқ кўчат олишда экиш олдидан сугоришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бунда ниҳолларни ундириб олиш учун сув сарфи гектарига 500-700 м³ ни ташкил этиши варианти сифатли ўтказишни талаб этади, кўллашиб сугоришга йўл кўймастик керак. Лекин, сизот сувларига жойлашган майдонларда бу тадбир экишдан сўнг ўтказилади.

Ғўза қатор орасига экиш технологияси ғаллани эрта муддатларда экишга имкон яратилади ва эрта экиш ҳисобига дон сарфи камайтиришга, яъни: биринчи муддатда (1-5 октябр гача) гектарига 150-180 кг ни, иккинчи муддатда (10-15 октябрда) 200 кг ни, кечки муддатларда 220-250 кг ни ташкил этади.

Тупроқ унумдорлигига асосан маъдан гитлар белгилашда фосфорли ва калийли йиллик меъёри 100% ва азотли ўғитларни 50 кг/га (соф ҳолда) берилса ва дон экилгандан сўнг 5 тонна яхши чиритилган маҳаллий гўнг сепилса тўлиқ кўчат олиш ва

қилиш даврига соғлом кўчат билан киришни таъминлайди.

Қатор ораларига экишда маҳсус экиш техникаларидан фойдаланиш дон экиш меъёрини камайитиришга олиб келади. ЎзПИТИ ва унинг вилоятларида олиб борилган тажрибалар шунини кўрсатадики, қатор орасига аниқ тупроққа 3-4 см га экиб тўлиқ кўчат олишга исботланган.

Экишда турли мамлакатлардан келтирилган экиш сеялкаларини қўллаш натижасида, ғўза қатор орасига экишда сошниклар ёрдамида 15-19 см қатор орасига экиш ҳисобига яхши ва тўлиқ кўчат олиниб, экиш олди сарф харажатларини 40-50% гача камайитиришга эришилди.





Расимларда Хиндистондан келтирилган экиш сеялкасида экилган майдон акси кўрсатилган.

60 см қатор оралигига 4 та сошник 15 см оралигида, ёки 3 та 19 см оралигида жойлаштирилса, тўлиқ кўчат олишни тامينлайди. 90 см қатор оралигига дон маҳсус сеялкалар орқали экиладиган бўлса, унда тўлиқ майдони эгалаш учун 4

сошник, 19-22 см оралиқда экилади, 15 см бўлганда 5 сошник билан экиш мақсадга мувофиқдир.

Бу йилги сув танқислиги шароитида галла экишга ажратилган далаларда тўли гектар ҳосил қилиш мақсадида далаларни челарини чизеллаш ва майин тупрў ҳосил қилиш учун икки марта борона юритиш лозим.

Сугориш учун ҳосил қилинган марзаларни текислаш, гўза қатор ораларини маҳсус техника бўлмаса, бор техникадан фойдаланиб қатор орасига ишлов бериб текислаш ва кесак ҳосил бўлишига йўл кўймасликни учун қатор орасига ишлов беришда юза культивация, мослаштирилган бороналар дискалар ва роторн юлдузчаларидан (сексияларидан) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Турли тупрў шароитидан келиб чиққан ҳолда экиш олдида сифатли урў тайёрланиб кўйилса ва унувчанлиги текшириб кўрилса экиш учун шу шароитда мўҳосил берадиган нав танланса 2009 йилда дондан мўл ва сифатли олишга эришамиз.

Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА)

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот Инститuti

ҒЎЗА ҚАТОР ОРАСИГА ҒАЛЛА ЭКИШ.



Осиё Тараққиёт Банки



Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқотлари маркази

Тошкент – 2008 г.